

Qishloq hayoti

2012 йил Мусмаҳкам оула ўлу

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 17-МАЙ, PAYSHANBA, 58 (7983) - SON

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahoi kelishilgan narxda.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
16 май куни Оқсаройда Халқаро
футбол федерацияси (ФИФА)
президенти Йозеф Блаттерни
қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда Йозеф Блаттерни ўз ҳаётини жаҳон ва миллий футболни ривожлантиришга бағишлаган таниқли жамоат арбоби сифатида билишларини таъкидлади. Бу – ФИФА раҳбарининг Ўзбекистонга учинчи ташрифи. Мазкур ташриф ўзбек футболининг 100 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келди.

Учрашувда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. "Гол", "Гол-2" ва "Гол-3" лойиҳаларининг амалга оширилгани шундай ҳамкорликнинг натижаларидандир. Ушбу лойиҳаларга мувофиқ Тошкент шаҳрида сунъий қопламали футбол майдони ва мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаларининг ўқув-машқ базаси қурилди, Самарқанд шаҳрида эса мини-футбол учун ёпиқ манеж барпо этилмоқда. Ўзбекистон болалар-ўсмирлар футболини, рефери ва мураббийларнинг миллий мактабини ривожлантириш борасида ҳам ФИФА билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

Бугунги кунда футбол Ўзбекистонда энг оммавий спорт турларидан бирига ва миллионлар ўйинига айланган. Ушбу спорт тури айниқса, ёш авлод ўртасида кенг оммалашган. Давлатимиз томонидан футболни янада оммалаштиришга улкан эътибор ва ёрдам кўрсатилмоқда. Бу маънавий ва jismoniy баркамол авлодни тарбиялашга доир сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. 2011 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда футбол инфратузилмасини кенгайтириш ва ушбу спорт турини тарғиб қилиш борасидаги ишларни янада фаоллаштиришга доир тадбирларнинг тизимли режаси тасдиқланди.

ФИФА раҳбари самимий қабул учун Президентимиз Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор қилди ва мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги муваффақиятларига, шу жумладан, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон майдонларидаги улкан ютуқларига юксак баҳо берди.

ЎЗА



Ҳамид Норқобитов (ЎЗА) оlingan сурат.

САҲИФАЛАРДА:



ОЛТИ ДАҚИҚАЛИК ТАРБИЯ

5

БАЛИҚ ОВЛАШ ВАҚТИНЧА
ТАҚИҚЛАНАДИ



6



ТОғЛАРГА ЯРАШГАН АЛҚОРЛАР

8

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДКБ ВА МДХ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 15 май куни Москва шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг юбилей сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Сўнгра Ташкилотга аъзо мамлакатлар расмий делегациялари вакиллари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

Кенгашнинг ушбу саммити Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Тошкент шартномаси имзоланганига 20 йил ва ОДКБ ташкил этилганига 10 йил тўлган бир пайтда бўлиб ўтди.

Ўтган йиллар давомида Шартномага қўшилган мамлакатлар коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш бўйича мураккаб йўлни босиб ўтди. Собик Иттифок ҳудудида юзага келадиган кўплаб муаммоларни ҳал этиш борасида аъзо мамлакатларнинг амалий ҳамкорлиги бўйича катта тажриба тўпланди.

2002 йилда тузилган ОДКБ аъзо давлатларнинг ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга ҳизмат қилмоқда. Бугунги кунда ОДКБнинг терроризмга, наркотиклар ва қурол-яронинг ноқонуний савдосига, уюшган транснационал жиноятчиликка қарши курашиш ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган мақсадли вазифалари кўлами кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти минтақада ва умуман дунёда юзага келган, турли тенденцияларга эга ҳамда ушбу маконда жойлашган давлатлар ва халқларнинг муҳим ҳаётини манфаатларига бевосита таъсир кўрсатаётган мураккаб сиёсий, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий вазитининг ўзига ҳокимиятларини инobatга олган ҳолда, Ташкилотни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Хусусан, Ўзбекистон ОДКБнинг асосий мақсади, аввало, аъзо давлатларини ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат, деб билиши таъкидланди. ОДКБ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг янада ривожланиши кўп жиҳатдан Ташкилотга аъзо барча давлатларнинг ҳамжиҳатлик таъминлиги амал қилиши ҳамда манфаатлари уйғунлигига боғлиқ экани баён этилди.

Сессия аъзолари бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси ва қатор бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу кун МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон томони Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кўп томонлама ҳамкорлик учун шарт-шароит яратишдан манфаатдор суверен мамлакатлар билан ҳамкорлик сифатида қарайди.

Ҳамдўстлик кўп қиррали ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи вазифасини бажариши мумкин ва зарур. Шунингдек, у бевосита музокара ва давлатлараро мулоқотлар, жумладан, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар майдони бўлиб қолиши керак.

Учрашувда МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг истиқболли масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Москвага таърифи доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари Владимир Путинни сайловолди кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Россия Федерацияси Президенти юксак лавозимига сайлангани билан

самимий табриклади.

Томонлар дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда, аввало, олий даражадаги доимий музокаралар жараёни, сиёсий мулоқот зарурлигини ҳамда юзага келаётган янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туришда, халқаро хавфсизликнинг кўплаб кескин муаммоларига ечим топишда ўзаро қелишилган позицияларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Куйидаги маълумотлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик юксак суръатларда ривожланаётганидан далолат беради: 2010 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 6,7 миллиард долларга етди. Ушбу муҳим соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бу, биринчи навбатда, товар айирбошлашнинг диверсификация қилиш ва сармоявий соҳадаги ҳамкорлик қўламини кенгайтиришни тақозо этади.

Владимир Путин, ўз навбатида, Россия томони Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги улкан салоҳиятини юксак баҳолашгани, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи мамлакатлардан бири, деб билишини таъкидлади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари замон талаб қилаётган суръат ва сифат билан илгари олдлашмиш ўчун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЎЗА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан хусусийлаштириш жараёнида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инвесторларга ишончли кафолатлар яратиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАСИ

Тадбирда таъкидланганидек, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, таркибий ўзгаришнинг чуқурлаштириш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг баробарида давлат мулкнинг тўғри ва оқилона бошқариш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш, ички ва ташқи бозорни таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Президентимизнинг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан, нефтьга, энергетика, металлургия, қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат, электротехника ҳамда фармацевтика саноати каби тармоқларга тегишли 497 та давлат объекти очик савдолар орқали сотилиши мўлжалланган, шунингдек, 63 та бўш турган, ишлабмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган объектлар танлов асосида инвестиция мажбурияти эвазига "ноль" қийматда сотилади.

Матбуот анжумани давомида иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инвесторларга имтиёзлар яратиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга тўхталаниб, хусусийлаштириш дастурлари асосида давлат актив-

ларининг инвесторларга хусусийлаштирилиши натижасида ишлаб чиқариш кенгайиб, янги иш ўринлари яратилаётгани қайд этилди. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хо-



рижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ушбу йўналишдаги муҳим ҳужжат бўлди.

Мамлакатимизда ўтган 2011 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш объектиларини ташкил этиш борасида фаол ишлар олиб борилди.

Айни пайтда Давлат мулки қўмитаси томонидан чет эл ва маҳаллий инвесторлар билан тузилган 133 та шартнома юзасидан ҳамкорлик фаолияти олиб борилмоқда. Уларга кўра, инвесторлар томонидан 299 миллион АҚШ доллари ва 82,6 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилиши белгиланган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ахмаджон РИХСИБОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

«ЭЛЁР» ЁШЛАРГА МАДАДКОР

Яккабоғ қўғонига Робияхонни тилиб-тинчимас, ўз касбининг устаси, дея ҳурмат қилишади. 2001 йилда "Элёр" хусусий фирмасини ташкил этиб, фаолият бошлади. Корхонада бешта иш ўрни яратилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларга яратилган қўлай шарт-шароит ва имтиёзлар, яъни чет элдан келтирилаётган ишлаб чиқариш жиҳозларининг божхона тўловларидан озод қилиниши, пишк гийш ишлаб чиқарувчи корхоналар ушбу фаолият тури бўйича беш йил муддатга солиқлардан озод қилиниши ва энг муҳими ягона солиқ ставкаларининг йилдан-йилга пасайтирилиши, биз тадбиркорларга янги иш ўринларини яратиш, ўзининг мустақил моддий-техник базасига эга бўлиш имконини берди, — дейди "Элёр" хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари Робия Жумаева. — Фирмамиз ҳам ушбу имкониятлардан фойдаланиб,

ҳозирда юз нафар киши меҳнат қилаётган, ишлаб чиқариш ҳажми эса ўртача бир миллион 300 миллион сўмни ташкил этадиган корхонага айланди.

Сўнгги беш йил давомида корхонамизни модернизация қилиш мақсадида Хитой ва Россиядан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва лизинг компаниялари кўмагида умумий қиймати 460 минг АҚШ доллар миқдоридagi пишк гийш, чақилган тош ва тайёр бетон ишлаб чиқарадиган жами учта завод, 34 та ки-чи механизм ва етти та ҳар хил турдаги махсус ер қазувчи, юк ортивчи ҳамда кўтарувчи транспорт воситалари сотиб олди. Натижада саккиз турдаги, яъни пишк гийш, ча-



қилган тош, қурилиш куми, йўлакбоп брусчатка, блок гийш, алюминпрофиллардан ясаладиган махсулотлар, ёғоч ва металлдан қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дарвоқе, фирма жамоасининг бевосита кучи билан

қисқа муддатда тўртта мактаб, 2 та касб-ҳунар коллежи янгидан барпо этилди. Пахта тозалаш заводида, шифокхонада капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Намунавий уй-жойлар қурилиши бўйича ўн та уйда ёрдамчи пудратчи сифатида қурилиш ишлари бажарилди.

Шу билан бирга, намунавий уй-жойлар қурилиши етарли даражада материаллар билан таъминланди.

2011 йилда корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 2010 йилга нисбатан 2 бараварга ортиди. Бир миллион 255 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Соф фойда ўз миллион сўмни ташкил этди.

Аҳл жамоа 2012 йилда ҳам юксак мақсадларни дилга туққан. Қурилиш-монтаж ишлар ҳажмини 2,5 бараварга ошириш, қурилиш-материаллари ишлаб чиқаришни қарийб икки миллион сўмга етказиш йўли-

да астойдил меҳнат қилинапти. Мустаҳкам оила йилининг дастлабки чораги натижалари юксак аҳдга яраша бўлди.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ортиб, ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларига эришиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг мамлакат босқичида Яккабоғ туманидаги "Элёр" хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари Робия Жумаева қўшимча — "Ёшларга иш берувчи энг яхши тадбиркор" номинациясида ғолиб деб топилди.

— Камтарона меҳнатимни қадрлаган Мухтарам Президентимизга раҳмат, — дейди Робия Жумаева. — "Ёшларга иш берувчи энг яхши тадбиркор" номинациясида ғолиб деб топилганим мен сингари барча тадбиркорлар меҳнатига берилган муқофот деб биланам. Бор куч-қўратимни ишга солиб, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортишда янги-дан-янги имкониятларни излайман.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Самарқанд Вилояти

БАНДЛИК ДАСТУРИ – АМАЛДА

ИШ ЖОЙЛАРИ – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

БУЛУНҒУР ТУМАНИДА 2012 ЙИЛДА ЯНГИ ИШ ҲОРАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ ҲАКИДА

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали халқимиз фаровонлигини ошириш, даромадларини кўпайтириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳнат бозоридagi вазият, oilаларнинг ижтимоий ҳолати, oilий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларини битираётган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларнинг иш фаолиятини бошлаши ҳисобга oлинган ҳолда ҳар йили махсус давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Ушбу дастурга кўра, жорий йилда вилоятда 93 минг 400 иш ўрни ташкил этилиши лозим. Йилнинг дастлабки қисмида вилоят бўйича 21 минг 900 дан ортиқ иш ўринлари яратилиб, прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди. Уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловларни чуқурлаштириш, oilавий тадбиркорлик, хунарандчилик ва касаначиликни кўллаб-қувватлаш асосида ташкил этилди.

Вилоятнинг Булунғур туманида бандлик дастури ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида **туман ҳокими Хусан АБЖАЛОВ** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни гапирди:

— Туманимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Лекин кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, миллий хунарандчилик билан шугулланаётган юртдошларимиз сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Шунинг учун жорий йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида ушбу йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, дастур бўйича йил давомида яратилган

5500 дан зиёд янги иш ўринларининг 2600 дан ортиғи кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, йилнинг биринчи чорагида маъмур соҳада 550 киши доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш ҳисобига 23, яқка тартибдаги тадбиркорликнинг ривожлантирилиши натижасида 193, уй меҳнатининг барча шакллари бўйича 120 га яқин, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш туфайли 111 янги иш ўринлари очилди.

Йил бошидан буён тумандаги касб-хунар коллежлари ва маҳалла марказларида уч марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Бу тадбирларда эллиқдан зиёд корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд уч юзга яқин иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркаларда 250 га яқин фуқаро иш билан таъминланди. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Гап ёшлар бандлиги ҳақида борар экан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Бу йил туманимиздаги саккиз касб-хунар коллежини 2849 нафар йигит-қиз битади. Уларни эгаллаган мутахассислиги ва қизиқишига қараб ишга жойлаштириш юзасидан ҳар бир таълим муассасасида иш берувчилар ва ота-оналар иштирокида учрашувлар ўтказилди. Корхона ва ташкилотлардаги иш жараёнлари, ходимларга яратилган

шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди. Шу ернинг ўзиде иш берувчи, битирувчи ва коллеж маъмурияти ўртасида шартномалар имзоланди. Муҳими, битирувчиларнинг келгусида қайси корхонада меҳнат фаолиятини бошлаши инобатга олиниб, имкон қадар ўша ташкилотга ишлаб чиқариш амалиётига юборилмоқда. Бу билан бўлажак ходимнинг ўз вазифаси бўйича дастлабки кўникмага эга бўлишига эришилаётир.

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган битирувчилар ҳам ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда. Тумандаги тижорат банклари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси ва бошқа мутасадди идоралар ходимлари коллежларга бориб, йигит-қизлар билан суҳбатлар ўтказмоқда. Уларга бизнес-режа тузиш, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ва кредит расмийлаштириш бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилиб, амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши, Республика Марказий банки ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Oilавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш oilаларини ижтимоий химоя қилишнинг асоси» мавзусидаги иқтисодий форумда бизнес лойиҳалари истиқболли деб топилган 250 нафардан зиёд битирувчиларга тижорат банкларида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида туманимизда



аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан муайян натижаларга эришилиб, 1200 га яқин иш ўринлари яратилди. Шундай бўлса-да, дастурда белгиланган чора-тадбирларни бажариш бораида айрим камчиликларга йўл қўйилганини ҳам тан олишимиз керак. Хусусан, айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш муддатлари кечиктирилиши, баъзи фермер хўжаликларида асарачилик, паррандачилик ва балиқчиликни йўлга қўйишга қаратилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилмагани натижасида биринчи чорада дастурнинг ушбу йўналишлари бўйича белгиланган вазифалар бажарилмай қолди.

Биринчи чорак аяқуналиши билан бу масалани мутасаддилар иштирокида муҳофаза этиб, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тадбиркор ва фермерлар билан суҳбатлашилди. Уларнинг имкониятлари ва юзга келаётган муаммолар ўрганилди. Уларга биргаликда ечим топишмоқда. Шу туфайли апрель ойида дастур параметрларининг тўлиқ бажарилишига

эришилди. Яъни, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига апрель ойининг ўзиде 294 иш ўрни яратилди. Фермер хўжаликларида эса қўшимча саксонга иш жойи ташкил этилди. Бошқа йўналишлар бўйича ҳам дастур вазифалари ортиғи билан бажарилди.

Бандлик дастурининг ижроси меҳнат бозоридеги вазият барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишида муҳим ўрин тутди. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, oilалар моддий таъминоти ва фаровонлигининг яхшиланишига хизмат қилади. Шу боис, йилнинг қолган ойларида дастур талабларини сўзсиз бажариш борасидеги ишлар, йўл қўйилган камчиликларни тақрорламаслик юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиланган ҳолда, изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда жамоатчилик назорати, депутатлар фаоллигига таянмоқда.

ЎЗА муҳбири
Ғолиб ҲАСАНОВ
ЎзБЕК ОДВ

Сурғарё Вилояти

ФАЛЛА ПАРВАРИШИДА МУҲИМ ДАВР

ХОВОСЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

Табиятнинг инжиқликлари кўп. Бир йил кўклам қурғоқчил келса, бошқа йили ёғин-сочин кўп бўлади. Бу йил совуқ ҳавонинг март ойи охиригача қўзилиб, сўнг об-ҳаво ҳарорати бирданига кўтарилиб кетганини сабабли шамол тез-тез эсиб турадиган ҳудудларда галлакорлар ишида бирмунча қийинчиликлар юзга келди. Бундай шароитда агротехник тадбирларда озгина хатога йўл қўйилса, кўзда тутилган ҳосилга салбий таъсир этиши мумкин.

Бирок омилкор деҳқонлар галла-ни суспензия билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Озиқлантиришдан кейин суғориш ишлари ўтказилиб, пайкалларга маҳаллий ўғитнинг «шарбат» усулида озиқлантирилган галла илдири, бўғинлари бақувват, ҳосил бошқоқлари дондор бўлишига олиб келаётир. Кимёвий ишлов берилиши галланинг турли касалликларга чалинишининг олдини олиб, баравж ривожланишини таъмин этади.

— Ховос, Сардоба туманлари галлазорларида парвартиш ишларининг

мутахассислар тавсиялари асосида олиб борилаётганлиги майдонларда мўл ҳосил этиштириш имконини берапти, — дейди «Қишлоқхўжалик-кимё»нинг Янгиер туманлараро филиали раҳбари Равшан Насриддинов. — Озиқлантириш даврида ушбу туманларда галлага аммиакли селитра берилди. Бундан ташқари, галла суспензия билан озиқлантирилиши ва суғориш тадбирлари вақтида ўтказилиши ҳисобига бошқоқлар бўлиқ, галла илдири бақувват бўлди.

Ховос тумани галлакорлари бу йил 11 минг 500 гектар майдонда бугдой

етиштирмоқдалар. Туманда айни чоғда эгтарларда намликни бир меъёрга ушлаб туриш ва пайкалларга гўнни «шарбат» усулида оқишига катта эътибор қаратилаётганлигининг самараси юқори бўлаётир.

— Ўн йилдан бери бугдойнинг «Чиллаки» намини экиб, мўл ҳосил этиштириб келамиз, — дейди Ховос туманидаги «Одил Али» фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳул Одилов. — Вегетация даврида галлани баргидан суспензия билан озиқлантириб, «шарбат» қилиб оқишамиз. Ана шу ҳаракатларимиз боис тупроқ микроэлементлари яхшиланиб, гектаридан ҳар йили 50-55 центнердан ҳосил оламиз. Хўжалигимиз чорвачилик йўналишида ҳам фаолият олиб боради. Шу сабаб, майдонларимизда беда ҳам ўстирилади. Мана шу 4-5 йил беда ўстирилган майдонларга галла экиб, синаб қўрдик. Бу тажриба яхши натижа бераётир: шўр чекиниб, галла ҳосилдорлиги ошишига эришилмоқда.

Туманнинг «Ҳамза» сув истеъмол-

чилари уюшмасидаги бир қатор фермер хўжаликларида бир неча йиллардан бери галла ҳосили йиғиштириб олинган майдонларга мош экиб тажриба қилинмоқда. Галла ўрнига экилган мош тупроқда гумус миқдори ошиши, бегона ўтлар илдири-уруғлари баътамом йўқотилишига олиб келади. Энг асосийси, кўзда мош ўриб олинган майдонларга экилган бугдой касалликка кам чалинади, ҳосилдорлиги ҳам одатдаги майдонлардагидан 12-15 центнер юқори бўлади. Яна ҳам эътиборлиси, бугдой-мош алмашлаб экиш тажрибаси кўлланган майдонларда намлик узоқ вақт бир меъёрга сақланади.

Ҳосил тақдири деҳқон қўлида эканлигини яхши билган, бугун галлакор олдига қўйлаётган талаб ҳам ўзгачалигини тўғри тушунган Ховос тумани галлакорлари парвартиши сусайтирмай бор эътиборини мўл ҳосил этиштиришга қаратмоқдалар.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

Қашқарё Вилояти

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ИМКОНИЯТНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Юртимизда фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш борасида қатор ислохотлар олиб боришмоқда. Бу борада солиқ тизимида ҳам қатор қулайликлар яратилган. Хусусан, Солиқ Кодексининг 282-моддасига асосан, уларга ер (ягона ер) солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар берилган. Жумладан, янги ташкил этилган деҳқон хўжалиklари давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга, янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тузторларни эгаллаган ерлар эса уч йил муддатда солиқлардан озод этилган. Бу, шубҳасиз, янги боғлар яратиш, ер унумдорлигини ошириш, дала ишларига қўшимча ишчи кучларини жалб этишда имкониятлар яратди.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklарида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни қўлайлаштириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан фермер хўжалиklари ва чорвачилик фермалари маҳсулотлари, жумладан, уларни

кайта ишлаш ва сотишдан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Касби туманидаги чорвачилик билан шуғулланувчи "THE VEST STAR" фермер хўжалиги ўтган йили ана шу қарор шарофати билан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан солиқ тўлашдан 9,9 миллион сўм миқдориди имтиёзга

эга бўлди. Шунингдек, тумандаги чорвачилик билан шуғулланувчи "Амонон Сувои" фермер хўжалиги аъзолари берилган солиқ имтиёзлари эвазига чорва молларини кўпайтириш ва маҳсулотни кайта ишлашни йўлга қўйишга эришди.

Хисоб-китобларга кўра, вилоятдаги 1036 фермер хўжалиги ўтган 2011 йилда ягона ер солиғидан 834,9 миллион сўм имтиёзларга эга бўлди. Биргина мисол, 2006 йил 16 майда ташкил топган Китоб туманидаги "Мунис Нилуфар" фермер хўжалиги боғдорчилик (узум еттиштириш) йўналишида фаолият юритади. Юртбошимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан хўжалик 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод қилинган. Қўрилган моддий манфаат хўжалик учун узумзорларни янгилаш, уларни агро-

техника қондалари асосида парвариш қилишда қўшимча имкониятлар яратмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текшириш ва янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини талабларига мувофиқ 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектлари молия-хўжалик фаолиятига солиқ текширувларини ўтказмаслик белгиланган. Натижада кичик бизнес субъектлари ҳисобланган фермер хўжалиklарида янада қўлай фаолият муҳити юзага келди.

Вилоятда бу йил ҳам деҳ-

қончилик ва чорвачиликдан қўланган натижаларга эришиш мақсадида талай ишлар қилинмоқда. Жумладан, галлалчиликда ҳосилдорлигини ошириш, бу борада белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш чоралари қўрилаётган. Фермер хўжалиklарига тегишли галлазорлар маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Бугдойнинг шўрланган ерларга мос, эртапишар, сувсизлик ва касалликларга чидамли навларини яратиш мақсадида қатор илмий изланишлар, тажрибалар ўтказилмоқда.

Фермер хўжалиklarининг ривожланиши ва барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, биринчидан, халқимиз фаровонлигини таъминласа, иккинчидан, уларга яратилган солиқ имтиёзлари туфайли имкониятлар янада ошади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқарё вилояти
Давлат солиқ бошқармаси
бўлим бошлиғи.

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Ахборот технологиялари шиддат билан тараққий этиб борар экан, уларга нисбатан қизиқиш ҳам ортиб бораверади. Тўғри-да, дастлаб фақатгина оғзаки мулоқот учун хизмат қилган мобил телефонлар бугунга келиб, бутун бошли компьютернинг функцияларини ўзига мужассамлаштирмоқда. Илгари шунчаки МР-3 ўқий оладиган телефонларга ҳавас билан қараган бўлсак, бугунги мобил телефонлар олдида улар техниканинг арзимас ютуғидек туюлади.

Уяли «рюкзак»

Гарчи, ҳаёт ривожига аҳамиятини инкор этмасак-да, ахборот технологияларининг оммалашishi иқтисодий қондалар асосида амалга ошса, ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Хусусан, уларни республикамизга олиб киришда божхона қондаларига риоя этиш мамлакатимиздаги рақобат муҳити ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди.

Афсуски, "ҳам саяҳат, ҳам тижорат" нақлига амал қилиб, хориждан ахборот технология воситаларини олиб кираётган айрим юртдошларимиз мазкур қондаларни четлаб ўтишга уринишмоқда.

Жумладан, Лондондан учиб келган пойтахтлик А.Исломов қиймати 2,7 млн. сўмдан ортиқ 4 дона уяли телефон ва уларнинг аксессуарларини божхона баённомасида ҳамда оғзаки сўров пайтида маълум қилмасдан олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

"Сеул-Тошкент" йўналиши бўйича парвозини якунлаган фарғоналик Ф.Хатамова ҳам қиймати 2,7 млн. сўмдан ортиқ 20 дона уяли телефонларни яширинча олиб ўтаман, деб қаттиқ адашди.

Бирлашган Араб Амиригида қайтган пойтахтлик А.Миралиевнинг эса божхона қондаларини четлаб ўтиб, жуда кўп миқдордаги ахборот технологиялари воситаларини олиб киришга урингани фош қилинди. Божхона баённомасидан "ту-



шириб" қолдирилган видеокамера, фотоаппарат, ноутбук, электрон планшет, уяли телефон каби жами 11 дона товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати 27 млн. сўмни ташкил қилар экан. Шу йўналишда парвозини якунлаган яна бир фуқаро – шахрисабзлик О.Раҳмановнинг рюкзакига эса «i-Pad» электрон планшети, 3 дона «Nikon» фотоаппаратлари ва 19 дона «i-Phone» уяли алоқа телефонлари "оғирлик" қилди. Қиймати 45 млн. сўмдан ортиқ мазкур товарларни божхона назоратидан бекитишнинг оқибати шу-да!

Ваҳоланки, юқоридаги ҳолатларда юртдошларимиз белгиланган меъёрдан ортиқча олиб қирилган товарларни божхона баённомаси ва оғзаки сўров пайтида маълум қилиб, уларнинг божхона тўловларини тўлаган

ҳолда юртимизга бемалол олиб киришлари мумкин эди. Қимматбаҳо техникаларни харид қилишга маблағ топиб, божхона тўловига келганда пайсалланаётган фуқароларнинг кингир хатти-ҳаракатлари пушаймонлик билан якун топиши мумкин.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан аниқланган 25 та қўнғузбарлик ҳолатларида қиймати 98 млн. сўмдан ортиқ мобил телефон, электрон планшет, компьютер, ноутбук каби 120 донига яқин ахборот-технология воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

ЙЎҚ: ЭГАСИ ҲАМ, МАРКАСИ ҲАМ!

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу Қонун фуқароларнинг, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, ҳаётда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилмоқда.

Афсуски, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигига путур етказадиган айрим омиллар ҳам бор-ки, улардан бири тамаки маҳсулотларини республикамиз ҳудудига ноқонуний тарзда олиб кириш билан боғлиқдир. Чунки кингир йўллар билан мамлакатимизга олиб қирилган тамаки маҳсулотларининг мавжуд қонунчилик талабларига мос ҳолда қадоқланганлиги, шунингдек, уларни тарқатиш ва истеъмол қилишда амалдаги қондаларга риоя қилинишига ҳеч қандай қафолат мавжуд эмас.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Бекобод туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудига божхоначиларни қўриб қолган, жуфтакни ростлаган қимсаннинг "қуён" бўлиши бежизга эмас экан. Бошқа, у ташлаб қочишга мажбур бўлган юқлар ўрнатилган тартибда қўздан кечирилганда, қўнғузбар шахс 180 қўти "Pall mall" сигареталарини ноқонуний равишда олиб ўтишга урингану фой бўлди. Ҳудди шу тарафда яна бир ҳолатда эса қўнғузбар шахсдан ноқонуний олиб



киришга уринилган 2 минг қўти "Астра" сигареталари "эсдалик" бўлиб қолди.

Янгийўл туманининг чегарадош ҳудудига назоратсиз қолдирилган қозғ қутилар ўрнатилган тартибда қўздан кечирилганда, уларнинг шунчаки қутилар эмаслиги ойдинлашди. Аксинча, бу ердаги 130 қўти "Rothmans", 950 қўти "Parliament" ва 1000 қўти "Marlboro" сигареталари муқаддам номаълум шахслар томонидан айланма йўллар билан олиб юртимизга олиб қирилган. Бундай дейишга эса асос бор, чунки ушбу тамаки воситалари республикамиз акциз маркалари билан маркланмаган. Эндиликда қўнғузбарлар салкам 18 млн. сўмлик тамаки маҳсулотларининг "баҳри"дан ўтишга мажбур!

Ҳудди шундай ҳолат Занғиота туманида ҳам қайд этилди. Сўнгги паллада хатосини тушуниб,

жавобгарликдан қутулиш учун жуфтакни ростлаган қўнғузбарларнинг айланма йўллар билан олиб қирган, аммо ташлаб қочишга мажбур бўлган қиймати 33,6 млн. сўмлик юқлари орасида 1400 қўти "Marlboro" сигареталари ҳам борлиги аниқланди.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 12 та қўнғузбарлик ҳолатларида қиймати 33,4 млн. сўмлик 6 минг қўтидан ортиқ тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати



ҚАДИМИЙ САРОЙ ТОПИЛДИ

Археологлар Япониянинг Хонсю шаҳри жанубида қадимий сарой қолдиқларини топдилар.

Хабарларга қараганда, милoddан аввалги III асрга оид мазкур саройнинг биргина кириш қисми 238 квадрат метрга тенг бўлган. Лойиҳа раҳбари Хиронобу Исинининг сўзларига кўра, ушбу сирли сарой қиролича Химикога тегишли бўлган. У бошқарган давлат – Яматай ўша пайтда катта доврўқ қозонган.

ХАТ ЎҒРИСИ

Германиянинг «Deutsche Post» почта хизмати ходимининг уйидан қирқ мингга яқин ўғирланган хат ва посылка топилди.



Полициячиларнинг сўзларига қараганда, ўттиз олти ёшли почта ходими 2011 йилдан буён почта хизматидан фойдаланувчи кишиларга келадиган турли хилдаги хат, ҳужжат ва буюмларни ўғирлаб, ўз уйида сақлаган. Унинг жиноий иши «Deutsche Post»га юз минг евро миқдориде иқтисодий зарар етказган.

Ҳозир почта ходими устидан жиноий иш қўзғатилган. Ўғирланган хат ва буюмлар эса ўз манзилларига юборилган.



Оқилона дастур

Финляндияда телерекламалар вақтини тартибга солишчи махсус дастур қабул қилинди.

Дастурга кўра, давлат телеканалларида бир соат давомиде ўн дақиқадан ортиқ реклама узатиш тақиқланади. Тартибни бузган телеканалга нисбатан катта миқдорда жарима солинади. Хабарларга қараганда, сўнгги пайтда давлат телеканалларида рекламалар сони кўпайиб кетган. Янги қабул қилинган дастурда уларнинг сонини камайтириш кўзда тутилган.

ШАКАР АЖИНГА САБАБ БЎЛАДИ



Тайландлик олимлар шакарни кўп истеъмол қилиш нафақат қандли диабет касаллигини келтириб чиқаришини, балки юзда ажинларнинг кўпайишига сабаб бўлишини аниқладилар.

Улар имкони борича камроқ ширинлик ёки шакар истеъмол қилишни тавсия этмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳатто эртабки нонуштада ичилган бир пиёла ширин чой ёки қаҳва ҳам терига кучли зиён етказиши, ажинлар сонини кўпайтиради.



Рекордчилар мамлакати

Ҳиндистон Гиннеснинг рекордлар китобидан энг кўп жой олган рекордчилар истиқомат қиладиган мамлакатлардан бири, деб тан олинди.

Рекордчилар сонининг кўпчилиги билан АҚШ ва Буюк Британиядан кейин учинчи ўринни эгаллаган Ҳиндистонда турли йўналиш бўйича жами 250 рекорд ўрнатилган. Мисол учун, дунёда энг паст бўйли Жоти Эмге исмли аёл айнан шу мамлакатда яшайди. Унинг бўйи 62,8 сантиметрни ташкил қилади.

Ўқувчилар телефони

Кубада мактаб ўқувчиларининг интернет тармоғига уланган мобил телефонлардан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисида махсус дастур ишлаб чиқилди.



Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кубалик ўқувчилар жуда кўп вақтини телефондаги электрон почта орқали хабар алмашишга сарфламоқда. Бу эса уларнинг фанларни ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатаётди.

Мамлакат ҳукумати ушбу муаммони бартараф этиш учун электроник маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларга болалар учун фақат суҳбатлашиш хизмати мавжуд мобил телефонлар ишлаб чиқаришни тақлиф қилди.



ОЛТИ ДАҚИҚАЛИК ТАРБИЯ

Австралиялик оталар ўз фарзандларига кунига бор-йўғи 6 дақиқа вақт ажратар экан.

Янги Жанубий Уэльс университети олимларининг таъкидлашича, ушбу мамлакатда фарзандлар тарбиясида 90 фоиз ташвиш оналар зиммасига, қолган ўн фоизи оталар зиммасига тушар экан.


Европа мамлакатларида истиқомат қилувчи оталар эса ўз болаларига фақат дам олиш кунлари вақт ажратадилар.

ҚЎРАДА ПИШИРИЛГАН ТАОМ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ

Австралия олимлари қўрада пиширилган гўшти таом – стейк саратон ва юрак хасталикларини келтириб чиқаришини аниқладилар.

Мутахасссларнинг сўзларига кўра, қўрада чала пиширилган гўшт таркибидеги канцероген моддаси инсон организмиде хавфли ўсимтани ривожлантиради ҳамда юракнинг ёғ босишига олиб келади.

Маълумотларга қараганда, Европада байрамона безатилган дастурхонга грилда пиширилган гўшт тортиш аънаъна тусини олган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ана шундай таомни севиб истеъмол қилувчи кишиларнинг аксариятида саратон касаллиги аниқланган.



ҚОННИ ТЕКШИРУВЧИ ЯНГИ МОСЛАМА

Франциялик олимлар қон таркибини текширувчи янги мослама яратдилар. Нур орқали текширадиган мазкур ускуна жуда кичик қон томирларидаги микроэлементларни ҳам аниқлаш хусусиятига эга.

Шифокорларнинг сўзларига кўра, янги ускуна миёга қон қуйилиши оқибатида юзага келадиган касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бемор ушбу мосламдан мустақил фойдаланиши ҳам мумкин. Ўн етти секундда қон таркибини таҳлил қилувчи бундай ускуна организмидеги қанд моддасини ҳам аниқлаш хусусиятига эга.

Тошкент Вилояти

БАЛИҚ ОВЛАШ ВАҚТИНЧА ТАҚИҚЛАНАДИ

ЧУНКИ 25 АПРЕЛДАН 10 ИЮНГАЧА БАЛИҚЛАРНИНГ УРЧИШ МАВСУМИ ҲИСОБЛАНАДИ

Хар йили баҳорнинг сўнги ойлари, ёз фаслининг бошланишида кўча-кўйларда, аҳоли гавжум жойларда балиқ савдоси билан шуғулланаётган кишиларга дуч келамиз. Ҳаёлимизда ушбу неъматлар анча сероблашгандай, шу билан бир қаторда, арзонлашгандай туюлади. Аслида, мушоҳада юритиб кўрсак, аҳвол бутунлай бошқача бўлади. Уша балиқфушлар қоида бузиб, жониворларни қайсидир сув ҳавзаларидан яширинча тутиб келишган.

Серобчилик бошланибдими, дея ўйлаганимиз эса бу кезларда балиқларнинг айни урчиш мавсуми давом этаётганлиги муносабати билан кўплаб саёз жойларга, яъни қирғоққа яқинлашишлари билан изоҳланади. Қоидабузарлар бундай ҳолатдан фойдаланиб, осонликча ов қиладилар. Бу пайтда балиқ харид қилганлар уларни тозалаш жараёнида ичи тўла увулдирик эканлиги га гувоҳ бўлади. Ушбу ҳолат амалдаги қонунларимизга зид бўлиб, балиқларга қирон келтириш демакдир. Мамлакатимизда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу қунларда эса барча табиий сув ҳавзалари табиати муҳофаза қилиш жамоалари томонидан алоҳида назоратга олинган. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йил 19 мартдаги буйруғига асосан мамлакатимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби Тошкент вилояти ҳудудида ҳам балиқ захираларини кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш, барча сув ҳавзаларида балиқ урчиш мавсумини беталфот ўтказиш мақсадида ов қилиш 25 апрелдан 10 июнга қадар тақиқланган. Ушбу даврда сув ҳавзаларида ов қилаётган шахсларга нисбатан Табиати муҳофаза қилиш

қўмитасининг «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш» махсус инспекцияси томонидан тегишли чоралар қўрилади. Огоҳлантиришларга қарамай ўтказилаётган қузатувлар жараёнида оз бўлса-да, баъзи бир қоидабузарликларнинг учраб тургани ачинарли ҳолдир. Масалан, Олмалик шаҳар ва Пискент тумани ҳудудларидан оқиб ўтувчи сув ҳавзаларида ана шундай қонунбузарликлар кузатилади. Суви Тошкент денгизига қуйилувчи сой бўйларига дам олиш мақсадида келиб, балиқ овлашга уринган 3 нафар фуқаро огоҳлантирилган. Минтақавий қўмитамиз жамоаси балиқ урчиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш мақсадида жойлардаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари посбонлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Абдурайн АЙМАТОВ,
Олмалик табиати
муҳофаза қилиш минтақавий
қўмитаси раиси.

ЭЪЛОН

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ
ТОШКЕНТ
«Universal auctions invest» МЧЖ очик
аукцион савдоларига
таклиф этади.

2012 йил 18 июнь соат 15:00 да бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Мустақиллик шох кўчаси, 66-уйда жойлашган «Узоғирнефгазкимё-лойиҳа» Институтига қарашли қуйдаги (техник носоз) автотранспорт воситалари қўйлади:

1. 2006 йилда и/ч «Нексия», д/р 01 375 EBA, бошлангич баҳоси 20 733 000 сўм.
2. 2006 йилда и/ч «Нексия», д/р 01 378 EBA, бошлангич баҳоси 21 216 000 сўм.
3. 2006 йилда и/ч «Дамас», д/р 01 380 EBA, бошлангич баҳоси 17 482 000 сўм.
4. 2006 йилда и/ч «Дамас», д/р 01 379 EBA, бошлангич баҳоси 17 393 000 сўм.
5. 1997 йилда и/ч «Нексия», д/р 01 381 EBA, бошлангич баҳоси 13 101 000 сўм.
6. 2001 йилда и/ч «ГАЗ 3102», д/р 01 376 EBA, бошлангич баҳоси 9 901 000 сўм.
7. 1998 йилда и/ч «Опел Омега», д/р 01 141 WBA, бошлангич баҳоси 12 993 000 сўм бўлган транспорт баҳоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Аукцион савдоси ёғлиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчилигига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи микдориде комиссияни йигим туланади. Аукцион савдоси ёғлиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш кунини ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди ширтномаси тузади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикфол кўчаси, 15-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 16:00 да тўхтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «Universal auctions invest» МЧЖнинг ХОАТБ «InfraBANK» МФО-01041, СТИР-302083379, 20208000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топиришлари керак. Ушбу савдо кундида сотилиш қолган транспорт воситалари такоррий аукцион савдолари 2012 йил ҳафтининг ҳар пайшанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикфол кўчаси, 15-уй. Телефон: 236-74-67, Факс: 236-26-65. Email: uainvest@mail.ru

Аукцион савдосида қатнашишни
истаган шахслар қуйидаги ҳужжатларни
топиришлари шарт:

- аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрна-тилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;
- закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ
АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ
ҚИЛАДИ

ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ

2012 йил 20 апрель кунини бўлиб ўтган бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларида Урганч шаҳар аэропорт автогаражига қарашли 1992 йилда и/ч Volvo-960 GL, д/р 90 137 FAA, бошлангич баҳоси 7 326 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 9 130 000 сўмга сотилди.

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

2012 йил 21 февраль кунини бўлиб ўтган бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларида Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Сайилгоқ кўчаси, 31-уйда жойлашган давлат солиқ бошқармасига қарашли:

1. «Опел-Омега» русумли, д/б 40 257 LAA, 2001-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 10 465 617 сўм бўлган автотранспорт воситаси 17 000 000 сўмга сотилди.
2. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 197, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 373 615 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 280 000 сўмга сотилди.
3. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 116, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 206 338 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 200 000 сўмга сотилди.
4. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 116, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 292 911 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 945 000 сўмга сотилди.
5. «Дамас» русумли, д/б 40 851 DAA, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 271 843 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 945 000 сўмга сотилди.
6. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 260, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 833 838 сўм бўлган

автотранспорт воситаси 5 578 000 сўмга сотилди.

8. «Дамас» русумли, д/б 15 AC 728, 1997-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 292 911 сўм бўлган автотранспорт воситаси 8 500 000 сўмга сотилди.
9. «Дамас» русумли, д/б 40 058 KAA, 1998-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 363 389 сўм бўлган автотранспорт воситаси 9 000 000 сўмга сотилди.
10. «Дамас» русумли, д/б 40 757 САА, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 4 287 738 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 945 000 сўмга сотилди.
11. «Тико» русумли, д/б 15 AI 348, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 3 596 208 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 140 000 сўмга сотилди.
12. «Тико» русумли, д/б 15 AG 005, 1998-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 3 971 773 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 600 000 сўмга сотилди.
13. «Тико» русумли, д/б 15 AA 701, 1998-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 3 556 736 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 140 000 сўмга сотилди.
14. «Тико» русумли, д/б 15 AD 629, 1996-йилда и/ч, бошлангич баҳоси - 3 527 575 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 140 000 сўмга сотилди.

2012 йил 20 апрель кунини бўлиб ўтган бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларида Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, Янги ҳаёт кўчаси 2а-уйда жойлашган «Автотранспорт» МЧЖ га қарашли 1991 йилда и/ч «УАЗ-3303», д/р 15 АК 467, бошлангич баҳоси 2 250 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 2 645 000 сўмга сотилди.

2012 йил 30 апрель кунини бўлиб ўтган бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларида Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 149-уй, Адлия бошқармаси балансида бўлган «Газ 14» русумли, д/р 15 AI 859, 1982 й. и/ч, бошлангич баҳоси 10 226 239 сўм бўлган автотранспорт воситаси 21 000 000 сўмга сотилди.

2012 йил 9 апрель кунини бўлиб ўтган бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларида Асака банк ОАЖ Қўқон филиали балансидаги «Нексия» русумли, д/р 40 727 GAA, 2002 й. и/ч, бошлангич баҳоси 6 500 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 8 640 000 сўмга сотилди.

БУХОРО ФИЛИАЛИ

2012 йил 3 апрель кунини бўлиб ўтган Очик аукцион савдоларида Қоровулбозор шаҳри, Қарши шох кўчасида жойлашган, «Техник таъминлаш ва бутлаш» шўъба қорхонаси ҳисобидеги, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, ГБАНЧ NEXIA DAEWOO русумли, давлат рақамлари 80 681 GAA, бошлангич баҳоси 6 500 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 8 450 000 сўмга сотилди.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ

2012 йил 30 апрель кунини бўлиб ўтган Очик аукцион савдоларида Наманган шаҳри, Вилот қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси балансидаги 1997 йилда и/ч, «Daewoo Prince» русумли, д/р 50 124 GAA, бошлангич баҳоси 7 376 914 сўм бўлган автотранспорт воситаси 10 000 000 сўмга сотилди.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ИДОРА

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Туркистон маҳалласи, марказий кўча, 1-уйда жойлашган «Туркистон Мадад Сервис» давлат унитар қорхонаси машина-трактор паркига қарашли қуйидаги (техник носоз) автотранспорт воситалари:

2012 йил 26 март кунини бўлиб ўтган Очик аукцион савдоларида:

- 1990 йилда и/ч «ЗИЛ ММЗ-34502», д/р 10 613 TAA, бошлангич баҳоси 4 844 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 600 000 сўмга сотилди.

2012 йил 9 апрель кунини бўлиб ўтган Очик аукцион савдоларида:

- 1990 йилда и/ч «УАЗ-330331» д/р 10 619 TAA, бошлангич баҳоси 3 600 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 3 600 000 сўмга сотилди.

2012 йил 14 май кунини бўлиб ўтган Очик аукцион савдоларида:

- 1989 йилда и/ч «ЗИЛ ММЗ-34502», д/р 10 612 TAA, бошлангич баҳоси 4 130 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 650 000 сўмга сотилди.

- 1991 йилда и/ч «ЗИЛ-431410», д/р 10 616 TAA, бошлангич баҳоси 4 458 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 950 000 сўмга сотилди.

- 1984 йилда и/ч «ЗИЛ 131» юк, д/р 10 665 TAA, бошлангич баҳоси 3 126 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 3 650 000 сўмга сотилди.

- 1985 йилда и/ч «ЗИЛ ММЗ-34502» юк, д/р 10 694 TAA, бошлангич баҳоси 3 748 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 4 250 000 сўмга сотилди.

2012 йил 30 апрель кунини бўлиб ўтган Очик аукцион савдоларида Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси 18-уйда жойлашган «O'ZGASRUG'URTA» давлат акциядорлик компанияси Тошкент вилояти Дирекцияси-га қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:

- 1991 йилда и/ч «ГАЗ-2410», д/р 10 620 AAA, бошлангич баҳоси 515 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 750 000 сўмга сотилди.

- 1988 йилда и/ч «BAZ-21063», д/р 11 AB 548, бошлангич баҳоси 1 161 700 сўм бўлган автотранспорт воситаси 1 700 000 сўмга сотилди.

Гувоҳнома № 004059

Тошкент Давлат Аграр университети томонидан 2002 й.да Намазов Шавакат Қарахончи номига берилган В № 002832 рақамли диплом ҳамда унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО «ALIZODA» (ИНН 200518915) Мирабадского р-на г. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 189 975 650 сум до 559 975 650 сум.

Утеренный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-3, 37, 27, выданный Чиланзарским БТИ на имя Журакулова Ахтима Туракуловича, считать недействительным.

«Тошкент шаҳар ер тузши ва қўмас мук кадастр хизмати» ДУК томонидан «MINI RENT SERVICE» МЧЖга тегишли бўлган Тошкент ш. Олмазор т. Наби Хасанов кў. 1-а уй манзилида жойлашган Омборхона худуди учун 16.12.2010 й.да берилган 4601-сонли 18-маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеренное свидетельство о 9-классном образовании О'Р-Е № 054744 выданное в 1998 г. ш. № 19 Шайхантахурского р-на г. Ташкента на имя Динеева Александра Александровича, считать недействительным.

ЧФ «USTO KABUL» (ИНН 204429137), зарегистрированное отделение гос. регистраций субъектов предпринимательства Хокимията Чиланзарского р-на (№ 000791-08 от 17.03.2003 г.) расположено по адресу: Чиланзар 2-30-26, ликвидирована (протокол собрания учредителей № 2 от 11.05.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с публикации объявления по тел.: 277-63-84.

вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

олинган "YUNUS-AVTO" (СТИР 202539302) ХФга тегишли думат-
лиги ҳақидаги бўлиб қолган.

"Агробанк" о'чиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси собиқ ходими, меҳнат фахрийси



Элликқалъа туманида бўлиб ўтган «Асрлар садоси — 2012» фестивали халқимизнинг асрий қадриятлари, урф-одатларини жаҳонга намойиш этди. Бугун ҳам унинг садолари дунё бўйлаб таралмоқда.



Арслон Канназаров (ЎзА) олган суратлар.

Тоғларга ярашган алқорлар

Алқор тошдан-тошга сакраб юрадиган тоғ қўйининг кам учрайдиган кенжа тури. Саварцов қўйи, деб ҳам аталадиган алқор фақат Ўзбекистонда учрайди. Қадимда у Молғузлар, Нурота тоғ тизмалари ҳамда Қизилқум саҳросида кенг тарқалган. Айни пайтда мамлакатимизнинг Нурота, Оқтоғ ва Томдитов тизмаларидагина учрайди. Шу боисдан олимлар алқорларни маҳаллий, фақат маълум бир жойга ҳос бўлгани ёки ўша жойда тарқалгани учун ҳам эндемик жонзот деб атайдилар. Тарихда Қизилқум қўйи дёв аталиб келинган, маҳаллий номи алқор номини олган тоғ ёввойи қўйи она-табиатнинг ноёб жонзотларидан ҳисобланади.

Аммо инсониятнинг табиатга аёвсиз муносабати алқорларнинг кўп қисми қирилиб қотишига сабаб бўлди. Бу жуда ҳам ташвишли ҳол эди. Шундай қилиб, у «Қизил китоб»га киритилди.

Жиззах вилоятининг Форш тумани ҳудудига «Нурота давлат қўриқхонаси» ташкил этилиб, алқорларни овлаш қатъий тақиқлашни уларни сақлаб қолишда муҳим қадам бўлди. Кейинчалик қўриқхонада ёввойи қўйни кўпайтириш ва ўрганиш учун махсус ҳудуд ташкил этилди. Ана шундай эътибор туфайли қўриқхона ҳудудидagi алқорлар бош сони бугунги кунда 2000 дан ошди. Қўриқхона ходимлари ноёб жониворлар ва ўсимликлар дунёсини асраш ҳамда кўпайтириш учун имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилиш баробарида ҳудудда қатъий назорат йўлга қўйилди.



Алқор иссиқ ва сувсизликка тез мослаша олади, қишда эса совуқ ва бўрон қаҳрига, озуқа танқислигига чидайди. Тоғ қўйи тик

қоялар ва қияликларда чаққон ва тез ҳаракатланади.

Ёввойи қўйларнинг эркин юриши, кўпайиб боришига салбий таъсир кўрсатувчи маҳаллий шароит билан боғлиқ бўлган сабаблар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Қўриқхона ҳудудига фақат алқорлар қўйи топмайди. Ёввойи йиртқичлар, яъни бўри ва бургутлар ҳам тоғ қўйларига, уларнинг болаларига ҳавф солиб туришади. Бундан ташқари, аҳолига тегишли бўлган қорамолларнинг тоғ ҳудудига ҳайдаб юборилиши ҳам алқорларнинг нормал ҳаёт кечиришига маълум даражада тўсиқ бўлаётди. Кўп сонли қорамоллар қўриқхона ҳудудига қўйиб юборилиши оқибатида катта майдонлардаги озуқабоп ўтлар, хас-хашакларни еб битирмоқда, бир қисмини пайхон қилиб, истеъмолга яроқсиз ҳолга келтирмоқда. Бу, ўз навбатида, тоғ қўйларининг йил бўйи озикланиши учун акс таъсир кўрсатаётди. Шу ўринда мол эгалари — аҳоли ҳам жиддийроқ ўйлаб, иш тугиша, мақсадга мувофиқ бўларди.

Она-табиатнинг бу ноёб жониворини келажақ авлодлар учун асраб қолиш учун барча ҳамкорликда иш тугмоғи лозим.

Шодиябегим ШАРОФИЙ,
ЖДПИ қошидаги «Сайлжойи»
академик лицейи ўқувчиси.



(21 май — 27 май)

ҚҲЙ (21.03 — 20.04)



Яқин кунларда дўстлар даврасида савийи суҳбатдан баҳраманд бўласиз. Узоқ вақт кўришмаган инсонлар дийдори сизга кўтаринки кайфият бағишлайди.

БУЗОҚ (21.04 — 20.05)



Шу кунларда дам олиш кунлари ҳам ишляясиз. Бу сизга берилган имконият. Топшириқларни астойдил бажаринг. Лавозимингиздан бир поғона кўтариласиз.

ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)



Сиз учун бу ҳафта сердаромад келади. Ойлангиздаги муаммоларни эсдан чиқариб, хизмат вазиғангизни бажаринг. Ҳафта сўнгиди ҳордиқ чиқаришни ҳам унутманг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07)



Режалаштирган ишларингизни амалга ошириш вақти етди. Икхиланишни бас қилинг. Ўзингизга ишониб олдингга интилинг.

АРСЛОН (23.07 — 23.08)



Иш жойингизни ўзгартиришдан аввал яхшилаб ўйлаб кўргангиз маъқул. «Етти ўлчаб бир кес» мақолига амал қилсангиз зарар қилмайди.

ПАЗИЗОД (24.08 — 23.09)



Иш юзасидан камчиликларга асабингизни бузманг. Ўз устингизда кўпроқ ишланг. Шундагина касбдошларингизнинг ишончини қозонасиз.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)



Бу ҳафта соғлиғингиз ҳақида жиддийроқ ўйланг. Рўзгор, иш ташвишларини бир четга суриб, баҳаво жойда мириқиб дам олинг. Келгуси ҳафтада гайратли бўласиз.

ЧАЁН (24.10 — 22.11)



Ноўрин ранжитиб қўйган яқинларингизнинг кўнгилини олинг. Арзимаган нарсага асабийлашиш яхши эмас. Босиқ ва совуққон бўлишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)



Сизга ўта муҳим ва жиддий вазифа юклатилиши мумкин. Ўзингизга бўлган ишонч туфайли синовлардан яхши ўтасиз. Мададий ҳордиқ чиқаришни ҳам унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)



Бу ҳафтада яхшигина харид қилишингизга тўғри келади. Фейлингизни кенг-роқ қилинг. Ҳафта сўнгиди сизни мўмайгина даромад кутмоқда.

ҚОВҒА (21.01 — 20.02)



Ижодий ишларингизга масъулият билан ёндашинг. Бир оз феъл-атворингизни ҳам жиловлаб олишни ҳам унутманг. Манманликка берилманг.

БАЛИҚ (21.02 — 20.03)



Бу ҳафтада аввалдан режалаштирган ишларингизга гайрат қилинг. Сизни яхшигина рағбат кутмоқда. Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз даврасида ўтказинг.

Бош муҳаррир:
Чорн ЛАТИПОВ

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агротехно комплекс
таркибидagi ҳамда шу
тармоқда дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Зафар РҲЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ,
Фарҳад ОМОНОВ, Эрон КУДРАТОВ, Муза
АНОРБЕКОВ, Абдушариф ТАМИКАЕВ, Машҳуд
ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Омонулло
ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат
НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин
АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-65-17, Аграр масалалари бўлими —
236-58-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78,
Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик
билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДАЙЛАРГАЙ МУҲБИЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13;
Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-56; Фар-
ғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367)
588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё —
(8-375) 225-17-29.

Реклама ва
эълонлар:

236-58-83,
233-28-04.

Реклама ва
эълонлар матни
учун бюрматчи
жавобгар



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рекам
билан рўйхатдан ўтказилган.

Наибатчи
муҳаррир:

Р.СУЯРОВ
Мушарраф
О.ОЧИЛОВ
Дизайнер:
М.СОҒИЙМОНОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чикади.
Бюролма Г-514,
ҳаққини 2 босма табак.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.45
22573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятининг
ўзида компьютерда
теришди ва
саҳифаланди.

"Шарқ" нашрийт-матбаа ишхонаси
компанисини босмохонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.